

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

9 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюро-
кратик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик
фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғри-
сида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сонли қарорига ўзгар-
тишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни

бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 27 декабрь,
ПҚ–2700-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги
ПҚ–2700-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сонли қарорига киритиладиган ўзгартишлар

1. 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 2-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 2. «Экспорт» божхона режимига жойлаштирилаётган товарнинг божхона расмийлаштирувини ходим томонидан буни расмийлаштириш жойидан ва (ёки) божхона органларининг ишламайдиган вақтида бошқа жойда амалга ошириш, бир ходимнинг бир соат ишлаши ҳисобидан	Энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 фоизи	».
--	-------------------------------------	----